

А.З.ЗОҲИДОВ,  
М.Н.ИСМОИЛОВ

ФАН  
ҲАҚИДА  
СУҲБАТЛАР

# МОШНИНГ



# ОЗИКЛИ

# КИММАТИ




6A  
25478

А. З. ЗОҲИДОВ ва М. Н. ИСМОИЛОВ

635.66

МОШНИНГ  
ОЗИҚЛИ  
ҚИММАТИ

№ 6



„Кизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“  
ва „Ўзбекистони Сурх“ бирлашган нашриёти  
Тошкент — 1964

613.2  
3—85

Зоҳидов А. З. ва Исмоилов М. Н.  
Мошнинг озиқли қиммати. Т., «Қизил  
Ўзб н», «Правда Востока» ва «Ўзб-ни Сурх»  
нашриёти, 1964.

28 бет. Тиражи 9960.

1. Соабт.

Захидов А. З. и Исмаилов М. Н. Питательная  
ценность маны.

613.2

## КИРИШ

Одамнинг овқатланиши учун хилма-хил ўсимлиқ ва ҳайвонот маҳсулотларидан фойдаланилади. Одамнинг саломатлиги ва меҳнат қобилияти кўп жиҳатдан ана шу маҳсулотлардан тўғри ва бирга қушиб фойдаланишига боғлиқдир.

Хилма-хил овқат маҳсулотлари орасида донли ва дуккакли экинлар каттагина үрин тутадики, мазкур китобчада биз худди ана шу экинларниң аҳамияти ҳақида гап юритмоқчимиз.

Мамлакатимизда дуккакли-дон экинлари етиштиришни кўпайтириш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда кейинги йилларда қўриқ ерлардан фойдаланилмоқда. Бундай ерларда дуккакли-дон экинларидан ҳозирдаёқ мўл ҳосил олина бошлади. Масалан, мош ва ловиянинг ўртача ҳосилдорлиги гектар бошига 8—12 центнерни ташкил қиласиди.

Дуккакли-дон экинлари ўртасида энг кўп тарқалгани нұхатdir. У, Совет Йттифоқининг ҳамма дәжқончилик районларида етиштирилади. Шунингдек ясмиқ ва ловия ҳам кенг куламда етиштирилади. Ўрта Осиё республикаларида экиб ўстириладиган ўриб олинадиган майда донли дуккакли ўсимликлар ичидаги мош ва нут катта ўринни эгаллайди. Дуккакли экинлар орасида мош Ўзбекистонда энг кўп тарқалганидир. Ерли

халқ овқатга ишлатадиган жами дүккакли әкинлар орасида мош биринчи ўринда туради.

Хозирги вақтда мош маккажұхорининг орасиға әқиладиган дон сифатида кенг күламда етиштирилмоқда.

Мош әкин майдонларини, унинг ўртача ҳосилдорлигини ва ақолининг сонини ҳисобга олиш асосида ҳисоблаб чиқарылған маҳсулотлар ҳозирги вақтда мош овқат учун жуда күп ишлатилаётганидан далолат беради. Қишлоқ ақолиси мошни шаҳар ақолисидан күра сал күпроқ истеъмол қиласы. Ўзбекистон санитария, гигиена ва касбга доир касаллікклар институтида мошнинг таркиби ва бошқа дүккакли-дон әкинларига нисбатан озиқли қиммати тұла ўрганиб чиқылған.

Мош — майда донли ловия булып, дүккаклилар оиласыга киради. Мош донининг химиявий таркиби асосан у үсадыған жойнинг иқлим шароитларига (об-ҳавоси ва тупроғига), агротехникага ва мошнинг навига қараб ҳар хил булади. Барча дүккакли әкинлар сингари мошнинг таркибіда ҳам оқсиллар, ёғлар, крахмал, минерал тузлар ва витаминлар булади. Мош бошқа донли әкинлар (нұхат, ловия, нут, соя) билан бир қатарда одамнинг овқатланишида катта роль үйнайды.

### МОШ — ТҰЛА ҚИММАТЛИ ОҚСИЛ МАҲСУЛОТИ

Мош оқсилли әкиндир, шунинг учун ҳам унинг озиқли қиммати жуда катта. Мош галла әкинларига ва барча дүккакли-дон әкинларига (сүк, гречка, ловия, гуручға) қараганды иккى ҳисса күпроқ оқсилга эга. Масалан, пишиб етилған 100 грамм мош дони таркибіда ўрта ҳисобда 28 грамм оқсил булади, буғдой донида эса — 18

грамм, гречка, сули, арпа ёрмаси таркибида 14 грамм, гуручда эса атиги 8 грамм оқсил бор.

Оқсиллар аминокислоталар деб аталувчи таркибий қисомлардан ташкил топади. Оқсиллар таркибиға 23 хилга қадар аминокислоталар киради, шулардан 18 таси асосий аминокислоталар бўлиб, ана шу 18 та асосий аминокислоталардан 8 таси энг зарурдир. Булар жумласига, лизин, тритофан, треонин, валин, фенил, аланин, метионин, лейцин ва изолейцин киради. Агар ҳайвон рационида ана шу аминокислоталардан еттитаси бўлса-ю, атиги биттаси бўлмаса, ҳайвоннинг ўсиши ва ривожлаши бузилади, чунки организм бу аминокислоталарни ўзи ҳосил қилишга қодир эмас. Масалан, шу нарса аниқланганки, тритофан деб аталувчи аминокислота витамин РР (ёки ичак ва нерв системасининг нормал ишлаши учун, шунингдек қизил қон — гемоглобиннинг шаклланиши учун керакли бўлган никотин кислота) вужудга келиши учун зарурдир. Метонин деб аталувчи яна бир аминокислота эса жигарнинг нормал ишлаб туриши учун зарур. Агар овқатда лизин ва аргинин сингари аминокислоталар етишмаса тиш кариеси деб аталувчи касаллик (тишлардаги эмаль моддаси ва суюк қисмининг бузилиши) келиб чиқади. Айтиб ўтилганлардан шу нарса равshan буладики, овқат маҳсулотларининг оқсилли таркибини билиш овқатланишни түфри ташкил қилиш учун ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Овқат маҳсулотлари таркибидаги оқсилларни физиологик нуқтаи назардан тўла қимматли, яъни таркибида энг зарур аминокислоталар етарли миқдорда мавжуд буладиган ва тўла қимматли бўлмаган — яъни таркибида шундай аминокислоталар йўқ, ёки бўлса ҳам, етарли миқдорда бўлмайдиган хилларга булиш мумкин.

Мош, нут, нұхат ва бошқа дүккакли-дон әкинларида ҳам худди бошқа қишлоқ хужалик әкинларида тұпланадиган аминокислоталар тұпланади, аммо миқдорининг күпчиліги билан улардан фарқ қиласы. Мош оқсиллари таркибиде 18 хил асосий аминокислоталарнинг ҳаммаси мавжуддир. Бундан ташқары мош оқсилларида лизин, треонин, лейцин ва ҳоказолар сингари доимий аминокислоталар күп миқдорда мавжуд бўлади. Масалан, мош оқсилларида лизин сингари қимматли аминокислота 7,7 процентни, гуручда — 4,7 процентни, буғдойда эса янада камроқ — 1,5 процентни ташкил этади. Мош шунингдек валин, треонин, лейцин ва бошқалар каби доимий аминокислоталарга ҳам бойдир. Бошқа дүккакли дон әкинларининг оқсили сингари мош оқсили ҳам сувда яхши эрийдиган булгани учун организм томонидан осонлик билан ўзлаштирилади.

Оқсил тирик организмнинг асосий таркибий қисмидир. Оқсиллар ҳар бир тирик ҳужайранинг таркибига киравчи мураккаб химиявий моддалар бўлиб, организм учун асосий қурилиш материали ҳисобланади. Бундан ташқары оқсиллар организмда энергия маңбаи хизматини ўташи мумкин. Шу сабабли улар ҳаётнинг асосий сабабчилиридан бири деб ҳисобланади. Ф. Энгельс ҳам «Ҳаёт оқсил жисмларнинг яшаш формасидан иборат» деган фикрни айтганида худди шунга асосланган эди.

Ұсимлик ва ҳайвонот маҳсулотлари булган турли хил овқат маҳсулотлари — гүшт, балиқ, тұхум, сут, нон ва дүккакли-донлар организм учун оқсил маңбаи хизматини ўтайди. Одам овқатидаги оқсилларнинг каттагина қисмини буғдой дони маҳсуллари (ун, нон ва ҳоказолар) ҳамда турли туман дүккакли-дон әкинлари ташкил этади.

Овқат маҳсулотлари таркибидаги оқсилилар одам танасида түқималар ва органларнинг оқсилиларини ташкил этиш учун сарфланаётганда улар аввало организмда мураккаб йўлни босиб ўтадилар. Улар дастлаб овқат ҳазм қилиш каналига тушади ва маҳсус моддалар (ферментлар) ёрдамида анча оддий таркибий қисмларга — аминокислоталарга парчаланади. Бу аминокислоталар қонга сўрилиб ўтади ва организмнинг оқсилиларини тузиш учун материал булиб хизмат қиласиди.

Овқат маҳсулотларидағи оқсилиларнинг ва овқатнинг озиқли қиммати уларнинг таркибий қисмига — аминокислоталар тўпламига боғлиқ. Одам ва ҳайвонлар организмидаги баъзи аминокислоталар ҳосил бўлмайди, шунинг учун улар овқат билан бирга тайёр ҳолда кириб туриши керак. Бундай аминокислоталар энг зарурый (доимий) аминокислоталар деб аталади. Булар жумласига қўйидаги саккизта аминокислота киради, деб ҳисобланади: триптофан, лицин, метионин, валин, треонин, фенилаланин, лейцин, изолейцин. Кеийинги вақтларда ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, энг зарурый аминокислоталар жумласига, шунингдек гистидин, аргинин, цистин ва тирозин ҳам киритилиши керак.

Овқат оқсилида энг зарурый оқсилилардан доақал биттасининг етарли миқдорда бўлмаслиги ҳам бошқа ҳамма аминокислоталарнинг организм томонидан тўла ўзлаштирилмаслигига сабаб булиши мумкин. Бу эса организмни оқсили танқислигига олиб келиши мумкин. Натижада организмнинг касалликларга ҳаршилик кўрсатиш қобилияти пасайиб кетади, у ёки бу хил юқумли касалликлар келиб чиқади.

Шу сабабли таркибида энг зарурый аминокис-

лоталарни сақлайдиган овқат ва овқат маҳсулотлари организм учун айниқса фойдалидир. Овқатда энг зарурий аминокислоталарнинг бўлмаслиги организмда моддалар алмашинишининг бузилишига ва анемия (камқонлик) касаллигига олиб келади. Бундай вақтда қизил қон танаачалири (эритроцитлар ва гемоглобин)нинг миқдори камайиб кетади.

Шу сабабли таркибида тўла қимматли оқсиллар бўлган маҳсулотларни истеъмол қилиш жуда муҳимдир. Мош ҳам худди шундай маҳсулотлар жумласига киради. У, узининг аминокислотали таркиби жиҳатидан гўшт, тухум сингари маҳсулотларга ва соя каби ноёб экинга яқин туради.

У ёки бу овқат маҳсулотининг организм томонидан қандай ўзлаштирилиши шу маҳсулотнинг асосий кўрсаткичларидан биридир. Бу жиҳатдан қараганда мош дуккакли дон экинлари орасида энг яхши ўзлаштириладиганидир. Масалан, мош оқсиллари организмда 79 процент ўзлаштирилади, ҳолбуки арпа ва гречка ёрмаларининг оқсиллари анча кам — 70 процент ўзлаштирилади. Мош оқсиллари ўзлаштирилувчанлиги жиҳатидан гуруч оқсилларига жуда яқин туради. Бунинг сабаби шундаки, дуккакли донларнинг ва шу жумладан мошнинг таркибидаги оқсиллар сувда яхши эрийдиган булгани учун организм уларни анча осон ўзлаштиради. Шу сабабли мошхўрда, мошкичири, мошугра сингари мош ва гуруч аралаштириб пиширилган ўзбек таомларида етарли миқдорда оқсиллар бўлишидан ташқари, улар яхши ўзлаштирилади ҳам. Масалан, 50 грамм гуруч, 50 грамм мош ва 40 грамм гуштдан иборат мошхўрда таркибида тахминан 40 граммгacha оқсил бўлади. Бунча оқсил эса организмнинг оқсилларга бўлган қарийб ярим суткалик эҳтиёжини таъминлай ола-

ди. Бу оқсиллар яна шу билан қимматлики, уларнинг таркибida соғлиқ учун муҳим аҳамиятга эга бўлган энг зарур аминокислоталарнинг ҳаммаси мавжуддир. Бундан ташқари, бундай таомда крахмал ва оз миқдорда ёғ ҳам бўладики, улар ҳам муайян миқдорда калория ҳосил қиласи. Бундай таомларнинг 500 граммдан иборат бир порцияси 500 га яқин калория ҳосил қиласи. Агар суюқ таомлар одатда нон билан қўшиб истеъмол қилиниши ҳисобга олинса, бундай овқатнинг калорияси янада ошажаги аёндир.

Гуручга мosh ва гўшт қўшиб тайёрланган қуюқ овқат — мoshкичири озиқли (тўйимли), қиммати ва калорияси жиҳатидан мошхўрдадан қарийб 2—3 марта устун туради.

Мosh ва ундан тайёрланган таомларнинг озиқли фазилатлари яна шунинг учун ҳам фойдалидирки, улар Ўзбекистонда ёзниг жуда иссиқ бўлиши сабабли организм йўқотадиган оқсилларнинг ўрнини босиши мумкин. Ўзбекистон аҳолиси қадим замонлардан бўён мошхўрдани қатиқ билан қўшиб истеъмол қилишининг сабаби ҳам худди шунда бўлса керак. Бундан ташқари ўсимлик ва ҳайвон маҳсулларидан иборат тўла қимматли оқсилга бой бўлган бундай таом фақат жисмоний иш вақтида камроқ терлашга ёрдам беригина қолмасдан, шунингдек эмизикли боласи бўлган хотинларнинг қути қўпайишига ҳам ёрдам беради. Ана шу фактларнинг ҳаммаси мosh ва ундан тайёрланган таомлар етарли даражада юқори озиқли қимматга эга эканлигини исботлайди.

## МОШ — ЮҚОРИ ҚАЛОРИЯЛИ ОВҚАТ МАҲСУЛОТИ

Дуккақли дон маҳсулотлари таркибida юқори даражада тўйимли бўлган оқсиллардан ташқари муайян миқдорда ёғ ҳам бўлади. Масалан, мosh

таркибидаги ёгнинг миқдори 3 процентдан 3,2 процентгача ўзгариб туради. Маълумки, 1 грамм жир (ёғ) 9,3 калория энергия ҳосил қиласди, бу эса 1 грамм оқсил ёки углеводлар калориясидан икки ярим баравар ортиқдир. Мош таркибида ёғнинг оз ёки кўп бўлишига, унинг нави, шунингдек у экилган йилдаги иқлим шароитлари комплекси, агротехника ва ташқи муҳитнинг бошқа факторлари катта таъсир кўрсатади. Мош ёғнинг таркибида тўйинмаган ёғ кислоталари деб аталувчи қимматли моддалар бўладики, улар жумласига меноль кислота, линолен ва арахидин кислоталар киради. Бу моддалар моддалар алмашинувини тартибга солиб туришда, жумладан ёғлар алмашинувида ва қон томир ҳамда юрак касалликлари (атересклероз)нинг олдини олишда катта роль ўйнайди.

Мошнинг таркибида, шунингдек кўп миқдорда крахмал ҳам бўлади. Ҳар хил навли мошларда крахмалнинг миқдори кенг доирада ўзгариб туради. Масалан, бизнинг институтимизда үрганиб чиқилган мош навлари таркибида 34,8 процентдан 44,9 процентгача крахмал борлиги маълум бўлди. Бутуниттифоқ уругчилик станциясида етиширилган мошнинг 104 нави бу жиҳатдан энг яхши нав бўлиб чиқди. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, бозорда сотиладиган мош навлари ҳам таркибидаги крахмалнинг миқдори жиҳатидан селекцион навлардан қолишмайди.

Маҳсулотнинг калорик қиймати унинг таркибидаги крахмал миқдорига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Чунки крахмалнинг таркибида углеводлар деб аталувчи (яъни углевод ва сувдан таркиб топган) моддалар мавжуд бўлади. 1 грамм крахмалнинг ёниши натижасида 4,1 калория атрофифда энергия ҳосил бўлади. Табиийки, крахмалга

бой бүлган мошнинг калорик қиймати ҳам юқори бўлади. Одатда ҳайвонот маҳсулотига нисбатан ўсимлик маҳсули бўлган овқат маҳсулотларида углеводлар кўп бўлади. Чунончи, буғдой, гуруч ва дуккакли дон экинлари таркибида 30 процентдан 50 процентга қадар углеводлар бор. Одам ўзининг кундалик овқатланишида ана шу ўсимлик моддаларидан тайёрланган маҳсулотларни истеъмол қиласди. У истеъмол қиласиган овқатларнинг калорик қиймати кўпроқ шу маҳсулотлар ҳисобига ташкил топади. Мош крахмалга бой бўлишидан ташқари, унинг таркибида кўп миқдорда шакар ҳам бўлади. Унинг миқдори 2,74 процентдан 6,41 процентгача етади.

Углеводлар организм учун асосий ҳаёт манбаидир. Овқатланишда эса асосан ўсимлик маҳсулотлари — ҳар хил навли буғдой ва уни қайта ишлаш маҳсуллари (ун, вермишел, макаронлар, нон ва нон маҳсулотлари), дуккакли дон экинлари (мош, ловия, ясмиқ, нұхат ва ҳоказолар), шунингдек мевалар, сабзавот ва полиз экинлари углеводлар манбаи булиб хизмат қиласди. Ҳайвонот маҳсуллари (сут, гүшт, тухум ва ҳоказолар) - да эса углеводлар жуда кам бўлади.

Бизнинг овқатимиз таркибида хилма-хил углеводлар бор. Масалан, нон, дуккакли дон ва картошкадаги углеводлар мураккаб крахмал шаклидадир. Дуккакли донлар ва шу жумладан мош таркибидаги крахмал дастлаб овқат ҳазм қилиши трактида анча юддий қисмларга парчаланади ва шундан кейин аста-секин қонга сўрилади. Бу эса қонда шакарнинг доимо маълум даражада булиб туриши ва организм тўқималарининг ундан тўғри фойдаланиши учун жуда муҳимдир. Шу сабабли тўғри овқатланиш учун оқсиилларнинг асосий қисмини турли хил донлар (буғдой, ловия, бошқа

дуккаклилар ва ҳоказо) ва картошқа таркибидағи крахмал шаклида истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, бошқа дуккакли донлар сингари мошнинг таркибида ҳам асосий өзиқли моддалар — оқсиллар, ёғлар ва углеводлар мавжуд бўлиб, улар муайян миқдорда калория ҳосил қилиш хусусиятига эга. Масалан, 100 грамм мош 288 калориядан 338 калоргиягача, 100 грамм гуруч эса 330—370 калория ҳосил қиласди.

## МОШ — МИНЕРАЛ ТУЗЛАР МАНБАИ

Мош таркибида кўп миқдордаги оқсил ва крахмалдан ташқари кальций, фосфор, темир, магний ва калий каби элементларнинг минерал тузлари ҳам бўлади. Бу тузларнинг ҳаммаси организмга айниқса болалик чоғида скелетларнинг шаклланиши, суюкларнинг ўсиши учун жуда зарурдир, бундан ташқари улар моддалар алмашинувида, қон ҳосил бўлиш процессларида ҳам иштирок этади. Агар овқатда тузлар етларли миқдорда бўлмаса, оҳаксизланиш процесслари ва суюкнинг ўсиши бузилади. Овқат билан бирга организмга етарли миқдорда тузлар кириб турмаса, «туз танқислиги» деб аталувчи ҳодиса юз беради, бу ҳол моддалар алмашинувининг бузилишига ва бир қатор ҳолларда камқонликка олиб келади.

Одам ҳар куни сийдик, ахлат ва тер билан бирга 26 граммга яқин, Ўзбекистоннинг иссиқ ёз шароитида эса бундан ҳам кўпроқ минерал моддаларни ажратиб чиқаради. Шу сабабли уларнинг ўрни аста-секин тўлиб бориши керак. Ўсимлик ва ҳайвонот маҳсулотлари организм учун минерал тузлар манбаи бўлиб хизмат қиласди.

Буғдой дони, нон ва хилма-хил дуккакли донлар сингари ўсимлик маҳсулотларида қальций күп бўлади. Агар нон маҳсулотлари ва дуккакли донлар ҳаддан ташқари күп истеъмол қилинса-ю, аммо сут ва сут маҳсулотлари кам олинса, организм қальцийни йўқотади. Бу ҳол айниқса ўсаётган болаларда суюқ системаси ҳолатининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли боланинг нормал ҳолатда ўсиши учун унинг организми хилма-хил овқатлар билан таъминланishi ва бу овқатлар таркибида ҳайвонот маҳсулотлари (сут, сут маҳсулотлари, сабзавот) ҳамда дуккакли донлар, шу жумладан нўхат, мош ва бошқалар албатта бўлиши керак.

Мош таркибида қальций сақланиши жиҳатидан буғдойдан 4 марта, гуурчдан 20 марта устун турди. Мош таркибида, шунингдек одам организми учун фойдали бўлган бошқа минерал тузлар ҳам бор. Унинг таркибида мавжуд бўлган фосфор моддаси ҳам скелет ҳосил бўлишида иштирок этади, нерв системасининг ишига самарали таъсир курсатади. Қаттиқ ақлий меҳнат вақтида фосфор айниқса зарурдир. Фосфор шунингдек турли хил овқат маҳсулотлари — гўшт-сут маҳсулотларида ҳам бор, ловия, нўхат ва бошқа ёрмаларда у айниқса кўпдир. 100 грамм гуурч таркибида атиги 96 миллиграмм фосфор бор. Мош ва бошқа дуккакли донлар (ловия, нут, нўхат) эса гуурчга қарангандага фосфорга 4—4,5 баравар бўйдир. Овқатда фосфорга бой бўлган ана шу маҳсулотларнинг ҳаммаси овқатда бор бўлса, яъни унда ўсимлик ва ҳайвонот маҳсулотлари мавжуд бўлсанда улар яхши ўзлаштирилади. Бундай ҳолда суткалик фосфор нормаси билан таъминланган булиши мумкин. Бу нарса катта ёшдаги кишилар учун 1,5—2 граммдан ва болалар учун 1—2 граммдан

иборатдир. Мош, нут ва бошқа дүккакли донлар (нұхат, ловия ва ҳоказолар) таржибидан организмдегі ғоят зарур бүлгандар алмашинувида ғоят мұхим роль үйнайдын болшықта минерал моддалар ҳам мавжуддир. Масалан, мош ва нут таржибидан магний тузлари болшықта ҳамма дүккакли донлардагы қаралғанда анча күпдір. 100 грамм мошда 187 миллиграмм магний тузлари бүлса, ловия, нұхат ва буғдой таржибидан 139—149 миллиграмм магний тузлари бүлади. Магний юракнинг ва бутун мускул системасининг нормал ишләши учун мұхим ақамияттаға эга, шунингдек усук тұқымасининг мустаҳкамланишига ёрдам беради. Шунингдек, магний жавдар нонида, ёрмаларида, кепагида ва шу кабиларда ҳам турли хил туз бирикмалари шаклида мавжуд бүлади. Юқори сортли буғдойда магний деярли бүлмайды, шу сабаб-ли нұқул юқори сортли буғдой нони истеъмол қилинса организмда магний камайып кетади. Шу туфайли катта одамнинг магнийга бүлгандың өздігінен қондирмоқ учун овқаттарға болшықта маҳсулоттар билан бир қаторда магний тузларига бой бүлгандың ва нут ҳам аралаштирилиши керак.

Биз истеъмол қыладынан жами үсімлик маҳсулотлари орасыда мош калий тузларига айниқса бойдір. Калий тузлары моддалар алмашинувинг түғри бориши учун катта ақамияттаға эга. Улар организмдан сувнинг чиқарып ююрилишига ёрдам беради. Шарқ халқлари орасыда қадимдан буён думбул мошни шиш касалини даволаш учун құлланиб келишининг бойсисы ҳам худди шунда бүлса керак. Шу мақсадда мош қайнатып ичирилади. Шундай қилиб, овқат маҳсулоти бүлгандың шифобахш хусусияттаға ҳам әкан.

Мош таржибидан, шунингдек, темир ҳам бор-100 грамм мошда 8 миллиграммга яқын темир бү-

## МУНДАРИЖА

Бет

Кириш . . . . .	3
Мош — тұла қимматлы оқсил маңсулоти . . . . .	4
Мош — юқори калориялы овқат маңсулоти . . . . .	9
Мош — минерал түзлар манбасы . . . . .	12
Мош — витаминаларга бой маңсулот . . . . .	15
Мошдан тайёрганадиган таомлар . . . . .	18
Озиқ-овқат саноатида мошдан фойдаланиш истиқболлари . .	24